

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (ЖанубийКорея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусаҳҳиҳ: Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Аманов, С.И.Сиражиддинов
Тўртинчи тартибли хусусий ҳосилали дифференциал тенглама учун
нолокал масала.....6

А.Оқбоев, Н.Муталлиев
Иккинчи тур бузиладиган гиперболик типдаги тенглама учун
силжишли масала.....14

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ғ.Юлдашев, В.Исақов, У.Мирзаев, Х.Шокирова
Гидроморф тупроқларнинг антропоген омиллар таъсирида
эволюцияси.....20

КИМЁ

И.Асқаров, Ҳ.Исаков, О.Абдуллоев, Ш.Тураҳонов
Анор пўстлоғи таркибидан галл кислотасини олиш усуллари.....25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ТАРИХ

Лианг Юн, Н.Камбаров
Қанғ маданияти ҳақида хитойлик олимларнинг фикрлари.....30

Ф.Шамукарамова
Катта Фарғона каналининг қурилишида археологик назоратнинг аҳамияти.....43

У.Абдуллаев
Фарғона водийси халқларида анъанавий дафн ва таъзия
маросимлари.....51

Т.Турсунмуратов
Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси билан таълим соҳасида ҳамкорлигининг
айрим хусусиятлари.....56

А.Алохунов
“Хўжа”лар тоифасининг келиб чиқиш тарихидан.....61

Р.Атаханов
Фарғона водийси қорақалпоқлари замонавий кийимларидаги анъанавий
жиҳатлар.....66

Д.Исмоилова, Н.Бердиев
Туркистонда суд тизими тарихидан.....72

Р.Акбаров
Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек миллий матбуотининг жангчиларни
ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги роли.....78

Д.Элова
Бухоро ҳаво флотини ташкил этиш тадбирлари ва самолётлар кириб
келиши тарихидан.....85

Э.Ғуломов
Ўзбекистон Республикасида 1994 йилги Олий Мажлис сайловига тайёргарлик.....89

УДК: 93/99+930.26+(282.1)+008

ҚАНҒ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА ХИТОЙЛИК ОЛИМЛАРНИНГ ФИКРЛАРИ
ВОЗЗРЕНИЯ КИТАЙСКИХ УЧЕНЫХ О КУЛЬТУРЕ КАНГЮЙ
VIEWS OF CHINESE SCHOLARS ON KANGYUY CULTURE

Лианг Юн¹, Камбаров Насибилло Шукириллович²

¹Лианг Юн

– Хитой Шимоли-Ғарбий университети профессори.

²Камбаров Насибилло Шукириллович

– ФарДУ, Жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси, Шимоли-Ғарбий университет докторанти.

Аннотация

Мақола Қанғ маданияти ҳақида бўлиб, унда Хитой ёзма манбаларидаги тарихий маълумотлар ва Ўрта Осиё ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларда аниқланган қанғ маданияти сақланмалари асосида уларнинг жойлашуве ҳудудлари, хитой манбаларидаги номланиши, топилмаларни қиёсий солиштириш натижалари ва турли маданиятларнинг таъсири ёритилган.

Аннотация

Статья посвящена культуре Канг, основанной на исторических данных из китайских письменных источников и археологических раскопках в Средней Азии, местонахождении культуры Кангюй, их названиях в китайских источниках, результатах сравнительных сопоставлений находок и влияния различных культур.

Annotation

The article is devoted to the culture of Kangyuy on the basis of historical data from Chinese written sources and archaeological excavations in Central Asia, the location of the Kangyuy culture, their names in Chinese sources, comparisons of findings of various cultures and their influences are revealed.

Таянч сўз ва иборалар: Қанғ давлати, Джанг Чиян, Хитой ёзма манбалари, Қанғ давлати ҳудуди, қанғларнинг археологик топилмалари, катакомба, подбой, маданиятнинг элементлари.

Ключевые слова и выражения: государство Кангжу, Чжан Цянь, китайские письменные источники, территория Канг, археологические находки Кангжу, катакомбы, подбой, элементы культуры.

Keywords and expressions: state of Kangyuy, Zhang Qian, Chinese written sources, territory of Kangyuy, archaeological finds of Kangyuy, catacombs, podboi, elements of culture.

Хитойнинг Хан давлати даврида ғарбда йирик Қанғ давлати мавжуд бўлиб, унинг аҳолисининг катта қисми чорвадор кўчманчилардан иборат эди. У Буюк Ипак йўлининг шимолий қисмидаги маданий алоқалар марказида жойлашган бўлиб, Да Ван, Усун, Юежи каби давлатлар билан чегарадош бўлган. Кучли армияга эга, манбаларга кўра “Саксон-тўқсон минг камончи қўшинга эга” (“Да Юан боби”), ўша даврда Ўрта Осиёда ўз таъсирига эга давлат. Джанг Чжиян ғарбга дастлабки элчилик фаолияти билан чиққан вақтда, у Қанғ ҳудуди бўйлаб ўтган; иккинчи сафар ёрдамчисини юбориб, у орқали Қанғ билан алоқа боғлаган. Иккала Хан давлати ҳам ғарбдаги вазиятни назорат қилиш учун Қанғ ҳудудига вакиллари юбориб, Хан душманларига қарши

курашишган. Аммо кейинчалик Қанғ ҳукмдори алоқаларни мустаҳкамлаш учун Хан давлатига ўғлини юборган. Ғарбий ҳудудлардаги протекторатлардан кўзланган мақсад: “Қанғ давлати аҳолисидан Қанғда, усунларда ва уларнинг атрофларида бўлаётган урушлар ҳақида маълумотлар олиб турилган” (“Хан йилномаси, Ғарбий ҳудудлар боби”). Қадимги Ўрта Осиёнинг элатлари, давлат ва маданиятлари тадқиқотида Қанғ маданиятининг ҳам ўрни катталигини унутмаслигимиз керак.

Қанғ давлати тадқиқоти Япония дастлабки қадамни қўйганлардан бўлди ва Ширатори Курачи [15], Матсуда Хисао [16] ларни бу давр тадқиқотчилари сифатида кўрсатишимиз мумкин. Ўтган арснинг 80-йилларига келиб, Хитойнинг

ТАРИХ

бир қанча олимлари: Сен Джонгми [17], Ю Таишан [18], Лин Меисун [19] лар Қанғ қабилаларининг жойлашув ўрни, ҳукмдор қароргоҳи, миллати, тили ва тарихий эволюцияси каби масалалар бўйича ўзларининг йирик ишларини эълон қилдилар. 90-йилларда Дунхуандаги Хуанқуанжи ёдгорлигидан топилган Хан даври ёзма манбасида Қанғ ва Хан ўртасидаги алоқалар битилган, олимлар ушбу манбага кўра икки давлат ўртасидаги алоқаларни ўргандилар [20]. Бу тадқиқотлар ёзма манбалардаги битиклар асосида тадқиқ қилинди, маданий топилмалар биров кам сақланган. Аслида, ўтган асрнинг 60-йилларидан буён, Қозоғистоннинг жануби, Ўзбекистоннинг шимолий ва марказий-ғарбий томонларида Хан давридагига ўхшаш Қанғ давлати билан алоқалар мавжуд бўлган кўчманчи чорвадор қабилаларининг кўплаб қабрлари кавланиб тадқиқ қилинган. Ушбу мақола шу бир қанча маълумотлар асосида тартибланган бўлиб, унда Қанғ маданиятининг умумий хусусияти, даврий босқичларга бўлиниши муҳокамаси ва маданият элементларининг тузилиши ёритилган.

I. Қанғ давлатининг ҳудуди

Қанғ номи қадимги юнон ва эрон ёзма манбаларида кузатилмайди, аммо “Тарихий йилномаларда” учратиш мумкин. “Сима Сзын боби” да тахминан милоддан аввалги 133 - 132 йиллар [20] да “Қанғлар ғарбий ҳудуд, ...” данлиги айtilган. Маълумот беришларича, Қанғлар милоддан аввалги II асрнинг охирларидаёқ ўзларининг давлатларига эга бўлганлар.

Қанғ давлати то милодий III асргача мавжуд бўлган, “Жин сулоласи тарихи – Император Бу бўлими” ва ушбу китобнинг “Ғарбий халқлар бўлими”да айтилишича, Қанғ давлати вакиллари милоднинг 280-йилида ва 265-274 йилларда Жинг давлатига ташриф буюришди. Милодий IV асрида эфталийлар давлати томонидан тугатилган. Шунинг учун, Қанғ давлати тахминан 500 йилдан ортиқ вақт мавжуд бўлган, дейилади.

“Даюан бўлими” да Қанғ давлати ҳақида маълумотлар берилган, лекин

жуда содда. Унда биз билишимиз мумкин бўлган маълумотлар унинг чегаралари: шимоли-шарқий томони Даван давлати, унинг жанубий томони Юежилар, шимоли-ғарбий томони Янсаи давлати ҳақида айtilган. Олимларнинг тадқиқотига кўра [20], “Хан давлати йилномаси” да Қанғ давлати ҳақида маълумотлар биров кўп берилган, Қанғ давлатининг шарқий томони Усунлар билан чегарадош бўлиб, уларни Чу дарёси ажратиб турган, Талас дарёси бўйларида Қанғ ҳукмдорининг қароргоҳи бўлган, Қанғ давлатининг шарқий томони; шимоли-ғарбий томонда Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган Янсаи билан чегарадош; Жануби-ғарбда Амударё орқали Анси билан чегарадош; жанубда ғарбий Тяньшаннинг Олой тоғ тизмасидаги “Темир дарвоза” орқали Юежилар билан чегарадош [1]; шимоли-шарқда Чотқол-Қурама тоғлари орқали Даван билан чегарадош.

Юқорида берилган таърифлар Қанғ давлатининг ҳудуди энг катта бўлган давр ҳисобланади. “Хан давлати йилномаси, Ғарбий ҳудудлар бўлими”да ёзилишича, Қанғ давлати ҳукмдори қиш фаслида Леюаниди (乐越匿地) ва Weitian шаҳри (卑阆城) да яшаган. Леюаниди ҳозирги Тошкент ҳудудида, кейинги Weitian шаҳри эса Қоратоғ тоғининг жанубий томонида жойлашган, бу икки ҳудуднинг ўртасидаги масофа отда 7 кунлик йўл ҳисобланади. Қишда Қоратоғнинг шимолий томонидаги Фаннеи (“蕃内”) да яшаган. Манбада яна эслатиладик, Қанғ давлати 5 та кичик давлатга бўлинган, улар Сусие (“苏薤”), Фумо (“附墨”), Юни (罽匿), Живанг (鬲王), Аожан (奥鞞) деб номланган. Бу давлатлар ўзларининг пойтахт шаҳарларига эга бўлиб, Янгуан (“阳关”) дан қанча масофада узоқдалиги айтиб ўтилган. “Янги Танг давлати йилномаси, ғарбий ҳудудлар бўлими” да айтиладик, ушбу 5 та давлат ҳудудларини алоҳида-алоҳида кўрсатиб, ҳар бир давлатга алоҳида фамилия-ном берилган: Ши (“史”), Хе (“何”), Ши (“石”), Ан (“安”), Хуохун (“火寻”). Тадқиқотларга кўра, ушбу давлатлар Шаҳрисабз, Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Урганч ҳудудларида [21]; Олтой тоғининг ғарбий томони, Сирдарё ва Амударё

оралиғи, яъни Сўғдиёна ҳудудлари кирган.

Эътиборли жиҳати шуки, “Даван бўлими” да қанғларнинг 5 та давлати ҳақида маълумот берилмаган. Бу бобда Джанг Чжиан элчилик фаолиятидаги маълумотлар, Қанғлар давлатига борганлиги, Қанғлар битта одамани Джанг Чжианга қўшиб Юежилар ҳудудигача етказиб қўйганлиги айтилган. Иккинчи марта элчи бўлиб борганда ўзининг ёрдамчисини Қанғлар ҳудудига юборган, балки ўша пайтда Қанғ давлати 5 та давлатга бўлинган бўлиши ва шунинг учун у эслатмаган бўлиши мумкин. Шундан билишимиз мумкинки, Джанг Чжиан келиб кетгандан кейин Қанғ давлати 5 та кичик давлатга бўлиниб кетган (милоддан аввалги 138-115 йиллар). Энг охири берилган маълумотлар Сюаньцюаньжи (“悬泉置”)даги Хан даври манбасининг “Қанғ давлати боби” да эслатилган бўлиб, Қанғ давлати ҳукмдори ва Сусие (苏薤) давлати элчилари Хан давлатига ташриф буюришади, бу воқеа Император Ханюан даврига тўғри келади (милоддан аввалги 39 йил)[21].

Милоддан аввалги II аср Қанғ давлатига Сирдарёнинг шимоли, Қоратепа тоғининг жанубий ва шимолий томонларидаги водий ва яйлов ҳудудлари кирган ва айна пайтда бу ҳудуд унинг доимий бошқарув жойи ҳам бўлган. Милоддан аввалги II - I асрларда, айтиш мумкинки, милоддан аввалги I асргача Зарафшон дарёсининг ғарбий ва жанубий томонларигача таъсир кучга эга бўлиб, Сўғдиёна ҳудудларини ҳам назорат қилган. Шунингдек, “Хан даври солномаси” да Қанғ билан боғлиқ бешта кичик подшолик мавжудлиги айтилади.

II. Қабрларнинг жойлашуви

Қанғлар билан боғлиқ бўлган қабрлар ҳозирда асосан бешта ҳудудда аниқланган (1-расм):

Биринчи ҳудуд Талас дарёси бўйларида. Собиқ Совет олими Бернштам Талас дарёси юқори оқимидаги Кенгкўл қабристонидagi чорвадорлар маданиятининг подбои қабрларида қазув тадқиқотини ўтказди. Подбои типдаги қабрлар қабр хонасига кириш қабр йўлагига боғланган, қабрдаги жасади

ёғочдан ясалган тобут ичида жойлашган, қабрга бир ва икки қулоқли қозон, орқалашга мўлжалланган сув идиш ва бошқа сополлар, шунингдек, камон, суяк пайкон учи, безак берилган тақинчоқ, таг қисмида асоси мавжуд ёғочли ваза, Хан даври типига ўхшаш безак берилган бронза кўзгулар биргаликда кўмилган. Даври милодий I – IV асрлар қилиб белгиланган. Андрей Заднепровскийнинг фикрича, улар Хун маданияти таъсирида шаклланган Қанғнинг маҳаллий қабридир [22].


Иккинчи ҳудуд-бу, жанубий Қозоғистон, асосан Қоратоғ тоғининг жанубий, Тарос тоғининг ғарбий, Сирдарёнинг шарқий ва шимолий томонидаги ҳудудлар кўрсатилади; Шунингдек, Сирдарёнинг ўрта оқими ўнг соҳилидаги ирмоғи Арис дарёсининг маркази, Қозоғистоннинг Туркистон ва Чимкент вилоятлари ҳудудларини ўз ичига олган.

XIX асрнинг охиридан XX асрнинг 80-йилларигача, Россия ва собиқ Совет Иттифоқи археологлари бу ҳудудда археологик қидирув-тадқиқот ишларини олиб бордилар ва Чимкент шаҳрининг ғарбидаги Бадам қишлоғи яқинидаги қадимги қабрни қазиб ўргандилар [23]. Бу асрнинг бошларигача турли ёдгорликлар, тепалар, қабристонлар тадқиқ қилинган, ўрганилган қабрларнинг умумий миқдори 300 тага етган, яна кўплаб қабрлар кавлаб тадқиқ қилинди; Подушкин жанубий Қозоғистондаги милоддан аввалги IV асрдан милодий VI асрлардаги бир нечта ёдгорликни “Арис маданияти”, деб номлади ва уни учта даврга бўлди [2]. 2004-йил у Култёпада 15 та ғишда суғд ёзувини аниқлади, кейинчалик Франция ва Англия олимлари манбани ўқиб, тадқиқот ишларини олиб бордилар [2]. 2011-2013-йилларда Қозоғистон Республикаси Археология институти ва Германиянинг археология институти шартнома асосида, “Милоддан аввалги II аср милодий IV асрларда Қанғ давлатининг ёзма манбалари ва археологик тадқиқоти” мавзусидаги лойиҳани амалга оширди ва Арис дарёсининг жанубий қирғоқларидаги Култёпа ёдгорлиги ва Клишжар

ТАРИХ

қабристонидаги 31 та қабри кавлашди [3]. Бунгача ўхшаш бўлган қабрларни ва

Олтинтепа, Қоратепа, Тулибайтепа ва бошқаларни кавлаб тадқиқ қилишган [3].



Расм 1. Қанғларнинг ҳудуди ва қабрларнинг жойлашув харитаси. 1: Ҳанқа 2:Култөпа 3:Клишжар 4:Ақтам 5:Кўктепа 6:Орлот 7:Сазаган 8:Тус-Гели 9:Тумек-кичикжик.

Учинчи ҳудуд Ўзбекистоннинг шимолий томонидаги Тошкент воҳаси ва Сирдарёнинг ўнг томон ирмоғи, Чирчиқ дарёси, Оҳангарон дарёси оқимидаги ҳудудлардир. Ўтган асрнинг 30-40 йилларида совет археолог олими М.Е. Массон Тошкентнинг жанубидаги Пскент ҳудудида, Оҳангарон дарёсининг икки қирғоғида милoddан аввалги I аср ва милодий I асрларга оид 60 та қабри қазиб, тадқиқ қилди [4]. 1979-йили Тошкент университети археология факультети Пскент ҳудуди жанубий томонидаги Оқтом қишлоғи яқинида 16 та қабрда қазув тадқиқот ишларини олиб борди, шулардан 9 тасининг илк темир даврига оидлиги аниқланди [5].

Тўртинчи ҳудуд Ўзбекистоннинг ўрта қисмидаги Зарафшон дарёсининг ўрта ва қуйи оқимлари киради. Ўтган асрнинг 60-йилларида О.В.Обелченко бу ҳудудда 11 та бироз каттароқ бўлган чорвадорлар маданияти қабрларини тадқиқ қилди [6]. 80-йилларда Г.А.Пугаченкова гуруҳи Самарқанд шаҳрининг шимоли-ғарбий томонидан 53 км масофадаги Туркистон тоғ тизмасининг жанубий ёнбағирларидаги Орлат қабристонида қазув тадқиқот ишларини олиб борди, ҳаммаси бўлиб 9 та қабр тозаланди [7]. 1996-йил Ўзбекистон-Франция бирлашган археологик гуруҳи Самарқанд шаҳридан 27 км шимоли-ғарб томонидаги Кўктепа

ёдгорлигида қазув ишларини олиб борди. Бу ёдгорлик Аҳмонийлардан то антик давр маданияти бўлган босқични ўз ичига олган қалъа бўлиб, у ерда қалъанинг асос қисми бузиб қурилган зодагоннинг қабри кавлаб ўрганилди [6]. 2015-йили Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети Ўзбекистон археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳридан 20 км жануби-ғарбдаги Сазаган ҳудудида 5 та кичик типдаги қабр қазиб ўрганилди [24]. Тадқиқот 2016 йилда битта катта типдаги қабр кавлаш билан давом эттирилди.

Бешинчиси Амударё қуйи оқимида жойлашган Ўзбекистоннинг ғарби ва Туркменистон шимолидаги Хоразм ва унинг атрофлари ҳисобланади. 1965-1966-йилларда Хоразм тадқиқот гуруҳи Урганчнинг жануби-ғарбидан 100 км масофада жойлашган умумий 100 та қабрдан иборат Тусгели қабристонида қазув ишларини олиб борди, жами 39 та қабр тозаланди, даври милодий I-III асрлар қилиб белгиланди [8]. 1971–1974-йилларда Туркменистоннинг Тарих институти археологик гуруҳи Тумек-Кижик қабристонида 61 та қабри очди, даврини милoddан аввалги I - милодий II асрлар, деб белгилади [9].

III. Маданиятнинг хусусияти ва даврий босқичлари

Бу ерда тилга олинган Қанғ маданияти шуни кўрсатадики, бу, асосан,

Қанғ ва у билан боғлиқ бўлган қабилалар томонидан қолдирилган ва ўзига хос хусусиятга эга. У сақлаб қолган вақт ва тарих Қанғ давлати билан доимо боғлиқ бўлган ва моддий маданият топилган ҳудудлар бўйлаб тарқалган. Хозирда маълум бўлган бу маданиятнинг белгилари кўпроқ қабрларда сақланган бўлиб, қуйида уларнинг хусусиятлари санаб ўтилади:

Катта ва ўрта типдаги қабрларнинг устки қисмида тупроқ уюми мавжуд бўлиб, юза қисми айлана, овал, сув томчиси шаклида, диаметри 10 ва 10 метргача кенгликка, баландлиги 1 метр атрофларида. Юза қисми текис, бўртиб чиққан ёки пастга ботиб тушган ҳолатда. Уюм лой ёки тупроқ, қумдан фойдаланиб қурилган, қатламлар аниқ. Катта типдаги қабрлар тоғ олдидаги яйловликда тизимли занжир бўлиб тарқалган, узоқдан ажраб кўринади. Кичкина типдаги қабрлар ёки тупроқ ва тош аралашмасидан қурилган уюмлар бироз кичкина шаклга эга.

Катакомба типдаги қабр шакли, бу маданиятнинг энг асосий типик хусусиятидир. Катакомба деб аталадиган қабрлар қия ёки зинаси мавжуд бўлган қабр хонасининг кириш қисмида торгина қабр йўлагига эга тупроқли қабр. Вертикал ҳолатдаги қабр йўлаги текис, бироз тор тўртбурчак шаклга эга, қабр хонаси ва йўлаги ўртаси кўпинча коридор шаклидадир. Асосий қабр (лаҳад) кириш йўлаги хом ғишт билан тўлдирилиб, ёпилган. Қабр хонасининг пастки қисмида текис, бурчаклари қиррали бўлмаган тўртбурчак, овал шаклида, шунингдек, қабр йўлагига вертикал ҳолатда битта чизиқда, қабр йўлининг пол қисми билан бир хил текисликда жойлашган. Қабр хонасининг тепа қисми гумбаз (ёки арк) шаклда. Қабрлар кўпинча жануб-шимол йўналишда, жанубий Қозоғистон, Тошкент ва Самарқанд воҳасидаги катакомба қабрларнинг кириш қисми қабр йўлагининг шимолида; Бухоро ва Хоразмда қабр хонасининг кириш қисми қабр йўлагининг жанубий томонида жойлашган.

Сирдарёнинг шимолидаги Қанғ қабрларида подбой типдаги (қабр

чуқурига параллел айвонча типдаги лаҳад) қабрлар умуман кузатилмайди, ammo Суғдиёнанинг бир қанча қабристонларида маълум бир миқдори подбой типдаги қабрлар мавжуд, одатда улар кичик типдаги қабрлар, масалан, Сазаган, Тусгели, Тумек-кижик қабристонлари.

Юзи тепага қараган, тана аъзолари тўғри қилиб кўмилган, яқка жасадли қабрлардан ташқари, яна бир қанча одамлар суяклари кўмилган кўп жасадли қабрлар ҳам кўп учрайди, кейинги қўйилган одам суяклари бироз тартибсиз ҳолатда. Баъзи қабрларда етти ёки саккизта инсон суяги бор. Тадқиқотчиларнинг айтишларича, бу, кўп марталик кўмишлар натижасида содир бўлади, марҳумнинг ёнига қўйилганлар қариндошлик алоқалари бўлган инсонлардир [10]. Қабрдаги инсон суяklarининг бош йўналишлари турли, жанубий Қозоғистон, Тошкент, Самарқанд ҳудудидагиларнинг бош қисми йўналиши кўпинча шарқ ва шимол йўналишида; Бухоро ва Хоразмдагиларнинг бош йўналиши жануб томонга қараган.

Ўзига хос хусусиятга эга бўлган сопол идишлар тўпламидан бири орқалаш учун қулай бўлган ёки от ёхуд эшакнинг устига хуржунга солинадиган бир томони текис қилиб ясалган идишлар. Бу турдаги сопол сув идишнинг оғиз қисми тикка, калта бўйинли, горизонтал ҳолатида айлана қоринга эга, айлана таг қисмга эга, горизонтал ҳолатда, буюм қорин қисмининг бир томони текис, шакл жиҳатдан Хитой ноғораси белига ўхшайди; иккинчи томони думалоқ, бўртиб чиққан, Кўпинча марказида майда айлана орнаментга эга, Хитойнинг қадимги пилла шаклидаги кўзага ўхшаш. Елка қисмида тақиб олиши учун қулай қисми бор, ипга боғлаб инсон орқалаб олиш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, унинг шакли сув сақлайдиган терили мешга ўхшайди, чорвадорларга хос хусусиятга эга. Бошқа сополларнинг яқка дастали, дастасиз, жуфт дастали ва қорин қисмида тутқичи бор бўлган қозон каби турлари ҳам бор. Асосан қизил сополлар бўлиб, яна маълум миқдорда кул ранг сополлар ҳам мавжуд. Кўп миқдордаги сополлар


ТАРИХ

чархда ясаиб, баланд даражадаги оловда пиширилган; камроқ миқдорда қўлда таркибига йирикроқ қум қўшилган сополлар ҳам мавжуд.

Темир қилич, темир пайкон учи, суяқдан ясалган камон асоси каби қурооллар, темир пичоқ, қайроқтош, игна найчаси каби меҳнат қурооллари, от анжомлари, бронза кўзгу, бронза қўнғироқ, темир (олтин) ҳалқа, темир (олтин) тасма тўқаси, турли безаклар буюмлар, шода тақинчоқ каби бошқа кундалик ва косметик буюмлар бирга кўмилган.

Қабр шакли ва буюм типларининг эволюциясига кўра, Қанғ маданияти 3 давр: илк, ўрта ва сўнги даврларга бўлинади.

Илк босқичга, масалан, Килишжар М11 [10], Орлат М1 киради. Подбой қабр хонаси ва қабр йўлаги бир чизикда ётади, шунинг учун у “текис хонали қабр”, деб номланади; коридорсиз ёки коридори бироз қисқа (2-расм: 1, 2). Боши шимолга, юзи юқорига қараган, танаси тўғри, якка жасадли қабрлардир.




Расм 2. Қанғлар маданиятининг илк босқичи буюмлари. Клишжар: 1-3, 5, 6, 8, 9, Орлот: 4, 7, 10, 11, 12, 13.

Сопол идишларнинг турлари бироз кам, орқага осиб олиш учун мўлжалланган калта бўйинли мешсифат сопол идиш, текис томонга эга қорин қисмининг диаметри бироз катта, горизонталига қорин қисми бироз калта, кесмаси кичкина ярим айланали шаклга тенг, бутун танаси бироз текис ҳолатда кўринади (2-расм: 3, 4). Таркибига қум қўшилган, қорин қисми тикка, таг қисми текис бўлган кўза ҳам бор (2-расм: 5). Темир қилич ва темир пичоқларнинг тиғ қисми билан дастаси ўртасида I шаклидаги қисми бор, даста қисми ёғоч билан мустаҳкамланган (2-расм: 9, 10, 12). Учи бироз калта бўлган уч қиррали темир пайкон учи (2-расм: 11), қалпоқли темир мих (2-расм: 13), биринчи тур бир томони катта бир томони кичик бўлган осиеча типдаги икки турдаги темирли тасма тўқаси (2-расм: 6), бошқа бир тури эса олд томони тўртбурчак, орқа томони юмалоқ шаклга эга (2-расм: 7). Суякли камоннинг айланали тутқич қисмида ип

учун мўлжалланган илгичи бор (2-расм: 8). Бу босқич асосан милoddан аввалги II аср ва куйи чегараси милoddан аввалги I аср бошларини ўз ичига олади.

Ўрта босқич Култeпа М3, Оқтом қабри, Орлот М2, М6, Кўктепадаги зодагон аёл қабри, Сазаган I М11, II М1-М3, V М2, Тумек-Кичикжик М59, М49, М41, М40, М39 ва бошқалар. Аввалги давр қабр шаклларида ташқари, баъзи катакомба қабрлар хонасининг тузилиш шакли шимоли кенг, жануби тор, бурчак томонлари айлана (қиррали бўлмаган) кўп бурчак шаклига эга (3-расм: 2, 1). Баъзи қабристонлар, масалан, Оқтом қабрлари хонаси кўпинча қабр йўлаги билан перпендикуляр бўлиб, тўртбурчак ёки овал шаклга эга. Коридор бироз кенг, шунингдек, эшик қисми хом ғишдан фойдаланиб ёпилган. Одам танаси одатда горизонтал ҳолатда, боши шарқ томон йўналишда, қабр ичида жойлашган [25] (3-расм: 3).



Расм 3. Қанғ маданиятининг ўрта босқичи топилмалари: 1, 15, 16, 28, 30, 43: Кўктепа қабри; 2, 8, 25, 27, 34-38, 40, 49, 52: Орлот М2; 3, 9 Орлот М6; 4, 6, 10, 11, 12, 13, 19, 31, 32, 50, 51: Оқтом; 5, 33, 45 Култөпа М3; 7, 18, 42, 44, 48: Тумек-кичикжик М59; 17: Тумек М41; 20: Тумек М40; 22: Тумек М39; 29, 39: Тумек М49; 14, 23: Сазаган II М2; 21: Сазаган II М3; 24, 47: Сазаган II М1; 26, 41, 53: Сазаган V М2; 54-58: Сазаган I М11-1.

Якка одам кўмилган қабрлардан ташқари, яна бир қанча одамлар биргаликда кўмилганлари ҳам бор, шунингдек, бир тупроқ уюми остида турли чуқурликда кўмилган қабрлар ҳам мавжуд (3-расм: 4) [26].

Сополнинг турлари бироз кўп, орқалашга мўлжалланган (меш) сув идишнинг бўйин қисми бироз узун, қорин қисми текис бўлиб, бироз кичик диаметрға эга, горизонталига қорин қисми бироз узун ва ярим айланадан бироз каттароқ (3-расм: 5-7). Яна оғиз қисмининг қирралари ичкарига ботган ёки текис бўлган якка дастали кўзалар (3-расм: 8-9), дастасиз кўза (3-расм: 17), якка қулоқли **тувак** (3-расм: 10-12), битта қулоқли бокаллар (3-расм: 13), лаб қисми

ташқарига чиққан, бўйин қисми ички томон ботиб кирган айлана шаклда ёки қорин қисмига уланиб кетган кўза (3-расм: 14, 18-21), катта оғизли айлана тагли кўза (3-расм: 22), таркибига қум кўшилган кичкина кўза (3-расм: 23, 24), исириқдон (3-расм: 15). Темир буюмлар ичида дастлабки давр усулубидаги қиличдан ташқари (3-расм, 27), екаси бироз қайрилган, юмалоқ даста қисмига ўрнатилган қисмга эга узун қиличлар ҳам мавжуд (3-расм: 40), бу тур қилич қини усти қимматбаҳо тош билан безатилган; шунингдек, баъзи қиличларнинг ҳалқали айлана даста қисми ва тиғи ўртасига I шаклидаги қисми ўрнатилган (3-расм: 39). Темир пичоқларнинг тиғ ва дастаси орасидаги қисми йўқлари ҳам, арк

ТАРИХ


шаклидагилари ҳам бор (3-расм: 25, 26, 28, 29). Ёғочга мустаҳкамланадиган қисми узун, уч қанотли темир ёй ўқи, уч қирра шаклдаги ўқлар кузатилган (3-расм: 52). Айлана шаклдаги темир узук (3-расм: 41), темир камар тўқаси (3-расм: 53), санчқи ёки таёқсимон шаклдаги отнинг югани (3-расм: 50, 51), иккита бир хил ҳалқа каби буюмлар ҳам мавжуд. Суяк буюмлардан тутқич қисми тўрт бурчакли ёки юмалоқ шаклдаги камон (3-расм: 48, 49), цилиндр шаклдаги игна сақлайдиган найча (3-расм: 47), отнинг туёғи шаклидаги тасма тўқаси (3-расм: 33-35), қалқон шаклидаги тасма декорацияси (3-расм: 36-38), тароқ орқа томонига ишланган иккита от шаклидаги нақш (3-расм: 43), бармоқ шаклида буюм (3-расм: 46), суякли кумуш, яшил, қизил тош билан безак берилган, ноодатий кўринишга эга тасма тўқаси (3-расм: 33).

Бронза идишлардан қозон (3-расм: 16), кўзгу (3-расм: 30-32, 42, 44), узук (3-расм: 45) кабилар мавжуд. Тилла буюмлар қавариқ шаклдаги безак тугма (3-расм: 58), найча (3-расм: 57), юмалоқ бошли Осиё усулдаги камар тўқаси (3-расм: 56), бўртиб чиққан тугмаси мавжуд ҳалқа (3-расм: 54, 55) кабиларни ўз ичига олади. Култепа М3 дан отнинг туёғи шаклидаги камар тўқаси (3-расм: 33) нинг ташқи кўриниши Жилин провинцияси Юшу Лаоҳедаги Хианбеи қабридан

топилган бронза от тасвирли камар тўқасига жуда ўхшаш, даври бўйича иккала Ҳан даврига тўғри келади [27]. Қўктепадан топилган безак берилган кўзгу (3-расм: 30) Чанъандаги Ҳан кўзгусига 1991ХҲҮМ1:16 безаклари шакллари ўхшаш (5-расм: 29), деярли бир хил, вақти Хинманг даврига оид [28]. Октом М3, М12 дан топилган жуда тиниқ бўлган арк қилиб нақш берилган кўзгу (3-расм: 31-32) билан Чангандаги Ҳан кўзгуси 1991ХҲҮМ20:1 ўхшаш (5-расм: 30), даври ғарбий Ҳаннинг сўнги босқичига оид [28]. Шунинг учун бу босқичнинг даври милоддан аввалги I асрдан милодий I асргачадир.

Сўнги босқичга мисол қилиб, Култепанинг М2, М5, М8, М12, М24, М25, Қоратепанинг М3, Олтинтепанинг М1, М14, Толибойтепанинг 2-рақамли қабристонидagi М1, М2, М9, М15; Орлатнинг М8 қабрларини келтириш мумкин.

Катакомба типидagi қабрлари одатда горизонтал узун тўртбурчак шаклда ёки овал шаклдаги хоналари мавжуд (4-расм: 1-3) бўлиб, коридори бироз узун; ҳатто олд ва орқа томонларида хонаси мавжуд бўлган тузилишдаги типи ҳам кузатилди (4-расм: 4). Бир қабрга кўп маротаба кўмиш одатлари кенг тарқалган (4-расм:3).



Расм 4. Қанғ маданиятининг сўнги босқичи топилмалари: 1, 14, 27, 28, 31, 33, 35: Култепа М12; 2, 5, 25, 26, 34, 36, 39: Қоратепа М3; 3, 8, 11, 12, 16, 21, 22, 40: Олтинтепа М8; 4, 9: Орлот М8; 6, 13, 24: Култепа М2; 7, 10, 15, 32: Култепа М24; 17-20, 23, 30: Тулибойтепа 2-қабристон М1; 29, 37: Тулибойтепа 1-қабристон М4.

Орқалашга қулай бўлган бўйни узун сопол идиш (меш), қорин қисми текис кичикроқ, горизонтал жиҳатдан қорин қисми узунроқ (4-расм: 5-8). Якка қулоқли кўза ёки қозон лаб қисми бироз кенг ичкарига ботган кўринишга эга (4-расм: 10-14), сопол идишнинг девор қисмида бўртиб чиққан ёки ботиқ шакллари мавжуд бўлган чарҳда ясалганлик излари мавжуд. Янги типдаги қорин қисмида тутқичли (4-расм: 15-21), оғзи катта икки қулоқли бокаллар (4-расм: 15-21) учради. Темирдан ясалган қуроллар, иш буюмлари асосан олдинги даврдаги шакллари давом эттиради (4-расм: 36-40). Яна узун тўртбурчак шаклдаги ёки узун учбурчак шаклдаги қайроқтошлар бор (4-расм: 33). Юмалоқ шаклдаги ва олд томони тўртбурчак, орқа томони айлана шаклдаги темир тасма тўқаси (4-расм: 29, 30), юқори томонида тугмаси бўлган кўнғироқ (4-расм: 28), бронза кўнғироқ шари (4-расм: 33), тутқичли кўзгулар ва Ҳан даври услубидаги кўзгулар (4-расм: 34, 35), урчуқ тоши (4-расм: 32), турли типдаги маржон доналар ва тақинчоқлар (4-расм: 25-27) ҳам мавжуд. Култепа М12 дан содда типдаги арк шаклли безак берилган нақшли кўзгу (4-расм: 35) аниқланган бўлиб, Чангъандаги Ҳан ойнасининг С типи 3-шаклига ўхшаш (5-расм: 31), даври шарқий Ҳаннинг сўнги босқичига оид; арк шакли билан безак берилган нақшли кўзгу Хитойдаги Шарқий Ҳаннинг ўрта сўнги босқичларида ҳам давом этган, Ўрта Осиёда топилган типи бироз кейинги давр бўлиши мумкин [28]. Бу босқичнинг даври милодий II асрдан то III асргача, деб ҳисобланади.

IV. Маданиятнинг элементлари:

Бир даврдаги ёки бироз олдинги давр маданиятлари билан солиштирадиган бўлсак, Қанғ маданиятининг асосан қуйидаги бир қанча типик элементларини ўзи ичига олиши аниқланди:

I. Сармат маданиятининг элементларидан шаклланган, катакомба қабр шаклини, бир томони текис орқалашга мўлжалланган сопол сув идиш, исириқдон, тутқичли кўзгу, тугмасиз ва дастасиз айлана шаклдаги кўзгу,

ҳалқали дастаси бўлган қилич ва пичоқ, орқа томонида иккита от шакли туширилган тароқ кабиларни ўз ичига олади.

Сармат маданияти жанубий Урал яйловларидан келиб, ғарбга қараб Қора денгизнинг шимолий қирғоғигача чўзилган, милоддан аввалги V-асрдан милодий IV-асрга қадар мавжуд бўлган даврда илк, ўрта ва сўнги босқичларга бўлинадиган кўчманчиларнинг маданиятидир [11]. Қанғларнинг катакомба типдаги қабрлари жуда ўзига хос бўлиб, Қозоғистоннинг марказий ва шарқий ҳудудларида илк темир даврининг Сак маданиятида, шунингдек, Еттисув бўйларидаги Вусун ва Сай маданиятида ҳам кузатилмайди. Жанубий Уралдаги сармат маданиятининг илк босқичида учратиш мумкин, лекин асосан Азов денгизининг шарқий томонидаги Шимолий Кавказ ҳудудларида аниқланган [11]. Ўша ҳудуддаги Сармат маданиятининг катакомба қабрларини шаклга кўра 3 га бўлиш мумкин: I шакл, вертикал шаклдаги айвонли, коридорга эга бўлмаган, қабр хонаси ва айвони узун, бир текисликда жойлашган, даври милоддан аввалги 4 - 3 асрларга оид қабрлар. II шакл, кириш коридори бироз қисқа (2 - расм) бўлиб, милоддан аввалги 2 - 1 асрларга оид қабрлар. III шакл, қия ёки зина шаклидаги қабр йўлакли, коридори бироз узун, қабр хонаси ва йўлаги бир-бирига вертикал ҳолатда боғланган, даври милодий 2 - 3 асрларга оид қабрлар. Унинг ривожланиш ва ўзгариш қонуни Қанғ маданияти қабрлари шаклига ўхшаш, кейинги маданият аввалгиси асосида келиб чиққани шубҳасиз. Шимолий Кавказдаги Сармат маданиятида кузатилган бу шакл қабрлар Қора денгизнинг шимолий қирғоғидаги маҳаллий юнон маданияти таъсир этган, деб ҳисобланади [11].

Ғарбий Сибирнинг Тамил қабрларидан топилган сопол кўза, бронза кўзгулар илк Сармат маданиятига боғлиқ бўлиб, милоддан аввалги IV - III асрлар билан даврланади [12]. Кичик диаметрли оғиз қисмга эга бўлган, қорин қисмининг бир томони бўртиб чиққан, бир томони эса дўмбира шаклига эга, икки томонда

ТАРИХ

қулоғи мавжуд сув меши, ушбу идишни қанғ маданиятининг аждод идишларидан, деб ҳисобласа бўлади (5-расм, 4). Айлана шаклидаги дастасиз, тутқич тугмага эга бўлмаган бронза кўзгу (5-расм, 8), Қанғ типдаги кўзгу билан ўхшаш. Сармат маданиятида узоқ вақт дастали кўзгу анъанавий тарзда давом этган, ҳам узун дастали (5-расм, 5), ҳам игнага ўхшаш дастали типлари (5-расм, 9) мавжуд бўлиб, булар қанғ маданияти буюмларининг асоси бўлиши мумкин. Шунингдек, аёллар қабрларидаги тош тақинчоқлар, ёғоч ёки сополдан ясалган диний маросим вақтида фойдаланилган юмалоқ ёки тўртбурчак шаклдаги, таг қисми текис ёки тўрт оёқли асосга эга кичик типдаги алтар-кулдонлар, Кўктепадаги сопол исирикдонлар билан ўхшаш. Сармат маданиятининг ўрта босқичида кузатилган айлана шаклдаги дастали темир қилич ва пичоқ [11] (5-расм, 12) қанғ маданиятига таъсир қилган бўлиши мумкин. Икки от орнаменти Евроосиё яйловларида, Ҳебеининг Ян Сиа Ду шаҳридаги Син Джуангтоу қабристониди, Гансудаги Шажин маданиятида, Иссиқдаги олтин жангчи қабрида, Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Сак маданиятида, Евроосиёнинг жануби-шарқидида Скиф маданиятида [11] учрайди. Клоуд Рапеннинг таъкидлашича, Кўктепанинг орқа қисмида икки от шакли туширилган тароқ скиф-сармат услубига тегишли. Ғарбий Сибирдаги Сармат маданиятининг илк босқичи қабрларида ҳам суяк тароқда жуфт қуш ва от орнаментлари кузатилган [11] (5-расм, 10, 11).

II. Хун маданиятининг элементлари от шаклидаги тўқаларни, ўртасида тешиги бўлган бронза ҳалқани, суякли камон, суяк игналарни ўз ичига олади. Орлот М2 суяк камарининг тўқаси юзасидаги икки жанговар уруш жараёни ва ўқ отиш майдони тасвирлари билан безатилган бўлиб, унинг ташқи шакли Байкалнинг Дрестуй ва Нингсиадаги Хун қабрларидан топилган бронза безак буюмларга ўхшаш (5-расм, 13,14).

Кейинги иккисининг даври ғарбий Ҳаннинг ўрта даврига оид, сув томчиси беага берилган бронза айлана Хунларнинг типик элементи бўлиб [29] (5-расм, 15,16), унинг изларини Култепа М3 да кўриш мумкин. Айлана шаклидаги бронза игна найчаси ноғора қорнига ўхшаш бўшлиқ қисмга, бўртиб чиққан орнаментли безакка эга (5-расм, 17), ёки фақатгина бўртма безакли ноғора қорнига ўхшаш қисмга эга бўлмаган найча, ташқи шакли Қанғларнинг суякли игна найчаси билан ўхшаш; ҳатто безак услублари ҳам бир хил, масалан, М4 нинг тўртбурчак шаклда суякли найча устидаги ўйиб ишланган безакда [30] (5-расм, 18), шунингдек, Сазагандаги суякли игна найчасида ҳам кўриш мумкин. Хун маданиятида ва Хитойнинг шимолий томонидаги Буюк Хитой девори бўйларидаги чорвадорлар маданиятида асос қисми думалоқ ёки тўртбурчак шаклда бўлган суякли камонларни кўриш мумкин (5-расм, 19), Қанғ маданиятида кузатилган бу турдаги буюмларда ҳам уларнинг таъсирини кўриш мумкин.

III. Хитой маданиятининг элементларини Ҳан услубидаги қилич ва кўзгу ўз ичига олади. Юқорида айтилганидек, бронза кўзгулар Ҳан ҳудудида тегишли умумий услубдир. Ҳан услубидаги қиличлар деб, елка қисмлари теғри ёки суюри шаклда, қилич қирраси ва дастасининг ўртасида ташқари томон бўртиб чиққан ёки айлана шаклидаги қисмга мавжуд бўлган узун қилич, дастаси ва тиғгача қисмлари бронза ёки нефрит тош билан безак берилган, кўпинча Хитойдаги Ҳан даври қабрларида учрайди [31] (5-расм, 25-28). Бу турдаги қиличлар Орлот, Оқтепа, Култепа каби қабрларда учрайди. Орлот ва Бухородаги Қўймозар қабридан топилган узун қилич ва пичоқларнинг даста ва тиғи ўртасида I шаклидаги қисми мавжуд [32], Ҳан даври шаклидаги бронза қиличларнинг ташқи кўринишидан андоза олган бўлиши мумкин. Қилич қини юзасидаги нефрит тош ва бошқа безаклардан Ҳан ҳудудидан келганини кўриш мумкин.



Расм 5. Қанғ маданиятининг турли типдаги элементларининг асослари: 1: Кубан дарёсининг қуйи оқими, 2: Кабарда 3: Терек дарёси худудлари 4, 8: Темир қўрғон 5: Боголюбовка 6, 7: Самара, Жанубий Урал 9: Верхнее Погромное 10:Стары Кишки 11: Бишунгарово 12: Сармат маданиятининг ўрта босқичи 13, 15, 19: Дрестуй , 14, 16-18: Дадунзи, 20, 21:Аруктао 22 : Бабашах 23: Мохуэр, Гонглиу, 24:Тошкент музейи экспонати, 25-28:Ёнгченг Баоаншан, 29-31:Чанған Хан кўзгуси.

Орлот М2 даги тасма тўқаси юзасидаги ўйиб ишланган безакни кўрадиган бўлсак, Қанғ отлиқ аскарларининг қилич тақиши, орқа томонга тақиш услублари билан Хитойнинг илк Чин ва Хан даврига оид тақиш услуби билан бир хил. Хан

услубидаги қуроллар Қанғ худудигача ёйилган бўлиб, бу тасодифий эмас, Жанг Чжангнинг ғарбий худудларга элчилик юришидан сўнг, Буюк Ипак йўлида расмий тарзда бошланган Ғарб ва Шарқ ўртасидаги маданият алмашинуви билан боғлиқ. “Хан даври йилномаларининг Ғарбий худудлар бўлими” да келтирилишича: “Ваннинг ғарбий қисмидан то Анси гача,..... бошқаларда бўялган ипаклар мавжуд эмас, темирдан ясалган буюмларни билмайман. Шунингдек, Хан давлати таслим қилган худудларда қурол буюм ясашни ўргатган”.

IV. Саклар ва Саи маданиятининг белгиларига елкаси текис қулоқли бронза қозонни мисол қилиб келтириш мумкин. Кўктепадан топилган бронза қозон очиқ оғизли лаб қисми қайрилган, елкаси текис тутқичли, қорин қисми ярим шар шаклида, баланд асосга эга, бу турдаги бронза

ТАРИХ

қозон Ўрта Осиёнинг Еттисув бўйларида кенг тарқаган, Хитой Синжиангидаги Или дарёси бўйларида ҳам жуда кўп аниқланган, бу идиш Саи маданиятининг типик буюмлари деб ҳисобланади. Илк босқичга кўра, буюмнинг қорин қисми радиуси кичкина ҳолатдан катталашиб ўзгарган, қорин қисми чуқур ҳолатдан саёз бўлиб ўзгарган, тор текис бурчакдан кенгрок бурчакка ўзгарган, айлана асоси паст ҳолатдан баланд бўлиб ўзгарган, Ли Суюан ва бошқалар тадқиқотлари давомида юқорида айтилганлар бўйича яхши хулосаларни беришган [33]; Кўктепанинг бронза қозонининг шакли Или дарёсининг бронза қозонлари ичидаги энг охириги шаклларига ўхшашдир (5-расм, 23). Ўзбекистондан ҳам сақларнинг маданий мероси деб ҳисобланадиган, даври милоддан аввалги VI-IV асрлар билан даврланган жуда кўп текис елкали, қулоғи мавжуд бўлган, қорин қисми бироз чуқур, оғиз қисми қирралари бироз тор бронза қозонлар топилган [34] (5-расм, 24).

V. Юечжи маданиятининг

элементларига мисол қилиб, бош қисми айланали Осиё типии шаклидаги камар тўқаси, бўртиб чиққан тугмаси мавжуд бўлган ҳалқа, тепа қисмида тутқич бўлган қўнғироқни айтиш мумкин. Ушбу уч турдаги буюм турлари Тожикистоннинг Арактоу [13] қабристониди, Турқо [14] қабристониди, Туркманистоннинг Бобошоҳ қабристониди (5-расм, 20-22) кузатилди [14], маълумки, бу Юечжи маданиятининг умумий омили ҳисобланади.

Топилмаларнинг типии ва миқдорни оладиган бўлсак, биринчи типдаги элементи устун бўлиб, Қанғ маданиятининг асосий элементларидир, бошқалар иккинчи даражали. Албатта, Қанғ маданияти ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уни Сармат маданияти билан аралаштирмаслик лозим. Биринчи авлоднинг типик хусусияти, масалан, катакомба ва сопол кўза кейинги давр аждодларда кузатилмайди. Қанғларнинг этник келиб чиқиши масаласи эса муҳокама қилинадиган асосий муаммолардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар:

1. Claude Rapin, Nomads and the Shaping of Central Asia: From the Early Iron Age to the Kushan Period, in Joe Cribb & Georgina Herrmann, eds., *After Alexander: Central Asia before Islam*, Oxford: Oxford University Press, 2007.
2. Подушкин А.Н., Арысская Культура Южного Казахстана IV в. до н.э. - VI в. н.э., издательский центр МКТУ им. Х.А.Яссави, Туркестан. 2000.
3. Alexander.Podushkin ,DER STAAT DER KANGJU AUS SICHER DER ARCHAEOLOGIE, UNBEKANNTES KASACHSTAN ARCHAEOLOGIE IM HERZEN ASIENS, BAND II, Bochum 2013.
4. Массон М.Е. Ахангаран. Археолого-топографический очерк. - Т., 1953.
5. Дресвянская Я., Типы захоронений курганного могильника у к. Актам (Пскентский район), Материалы по Археологии Средней Азии. -Т., 1983.
6. Kazim Abdullaev, Nomad Migration in Central Asia, Proceedings of the British Academy . © The British Academy 2007.
7. Пугаченкова Г.А., Орлатский могильник, древности Мианкаля из работ Узбекстанской искусствоведаческой экспедиции. - Т., 1989. .
8. Лоховиц В.А., Хазланов А.М., Подбойные и катакомбные погребения могильника Туз-Гыр, Кочевниках Хорезма, М., 1979.
9. ЛОХОВИЦ В.А., Подбойно-катакомбные и коллективные погребения могильника Тумек-кичиджик, Кочевники на границах Хорезма, Москва 1979.
10. Подушкин А.Н., Об особенностях конструкции и обряда некоторых катакомбных погребений Арысской культуры Южного Казахстана III в. до н.э.-II в. н.э., Труды филиала Института археологии им. Маргулана в г. Астана, Том II, Астана 2013.
11. Jeannine Davis-Kimball, Vladimir A. Bashilov, Leonid T. Yablonsky, nomads of the eurasian steppes in the early iron age, zinat press berkeley, ca, 1995.
12. Ludmila Koryakova, Andrej Vladimirovich Epimakhov, the ural and western siberia in the bronze and iron ages, Cambridge University Press, 2006.
13. Мандельштам А.М.. (1975). *Памятники кочевников кушанского времени в северной Бактрии*. Ленинград: издательство Наука Ленинградское отделение.
14. Мандельштам А.М.. (1966). *Кочевники на пути в Индию*. Москва: издательство Наука.
15. 白鸟库吉《康居粟特考》，山西人民出版社，2015年.
16. 松田寿南《古代天山历史地理学研究》，中央民族学院出版社，1987年.
17. 岑仲勉《汉书西域传地理校释》，中华书局 1981年.

18. 余太山《大宛和康居综考》，《西北民族研究》，1991年第1期。
19. 林梅村《中亚锡尔河北岸的康居王庭》，《西域研究》，2017年第3期。
20. 张德芳、郝树声《悬泉汉简研究》，甘肃文化出版社，2009年；袁延胜《悬泉汉简所见康居与西汉的关系》，《西域研究》，2009年第2期。
21. 郝树声《简论敦煌悬泉汉简〈康居王使者册〉及西汉与康居的关系》，《敦煌研究》2009年第1期。
22. Y.A 扎德尼普罗夫斯基《亚历山大入侵后中亚北部的游牧人》，《中亚文明史》（第2卷），中国对外翻译出版公司，2001年。
23. 苏河《中亚河间地区出土中国文物的早期铁器时代遗存研究》，西北大学硕士学位论文，2017年。
24. 西北大学丝绸之路文化遗产与考古学研究中心、乌兹别克斯坦共和国科学院考古研究所《2015年度撒拉干遗址发掘报告》，《西部考古》第12辑，科学出版社2017年。
25. 如上所述，花拉子模和布哈拉地区墓葬中死者流行头向南。
26. 如阿克塔姆的 M3-A、M3-B，撒拉干 I M11-1、11-2。
27. 孙机《中国圣火—中国古文物与东西文化交流中的若干问题》，72-73页，辽宁教育出版社1996年。
28. 程林泉、韩国河《长安汉镜》，第85-86页，陕西人民出版社2002年。
29. 单月英《匈奴墓葬研究》，《考古学报》2009年第1期。
30. 宁夏文物考古研究所、中国社会科学院考古所宁夏考古组、同心县文物管理所《宁夏同心倒墩子匈奴墓地》，《考古学报》1988年第3期。
31. 钟少异《汉式铁剑综论》，《考古学报》1998年第1期。
32. 库尤马扎墓地遗物系塔什干国立历史博物馆陈展所见。
33. 李溯源、吴立、李枫《伊犁河谷铜镜研究》，《文物》2013年第6期。
34. 见于乌兹别克斯坦国立历史博物馆陈列（塔什干）。
35. 余太山认为卑阇城在卡拉套山以南、锡尔河北岸的突厥斯坦（见注4）。但《汉书·西域传》：“大宛国，王治贵山城，……北至康居卑阇城千五百一十里。”贵山城若按余说在苦盖，它与突厥斯坦的距离远小于《汉书》所记。所以此问题还需进一步探讨。
36. 余太山说：“蕃内地为康居王夏所居，其地应在 Turkestan 西北一千余里处”（注4）。《汉书·西域传》“乌孙国，大昆弥治赤谷城，……东至都护治所千七百二十一里，西至康居蕃内地五千里。”汉都护治所在今轮台。赤谷城在今伊塞克湖附近，其西“五千里”，约合2079公里，已接近里海的东北角。当然汉书中的里程不可能是直线距离，折算下来可能在锡尔河下游、咸海以北的图尔盖草原一带。

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)